ҳисобида тошкентлик, миаллий жамоалар финалида эса 4:0 ҳисобида фарғоналик чарм тўп усталари ғалаба қозонишди.

1928 йили Ўзбекистон терма жамоаси тузилиб, расмий мусобақаларда қатнашди. Яъни, Москвада Украинна, Белоруссия, Ўзбекистон, Туркменистон, Кавказорғи, шунингдек, бошқа турғуда Уругвай, Финляндия, Англия ва Швейцария терма жамоалари ғалаба учун кураш олиб борди. Бу турнирда моҳир ҳужумчимиз Александр Адисман катта маҳорат кўрсатиб, бир нечта голнинг муаллифига айланди. Сўнгги ўйинда Туркменистон терма жамоасини 3:1 ҳисобида енган юртдошларимиз спартакиадада 5-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

1931 йилда юртимизга узоқ хориждан норвегиялик футболчилар ташриф буюриб, Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари терма жамоаси, Тошкентнинг биринчи ва иккинчи терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувларини ўтказишди. Учрашувларда рақиблар биттадан ғалабага эришишди. Яна бир ўйин 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланди.

1931—1932 йилларда Ё. Валишов, М. Хўжаев, Х. Муҳитдинов, Қ. Бадалий, Ж. Саидов каби кучли футболчилар жамланган Ўзбекистон терма жамоаси собоки Иттифок чемпионатларида иштирок этади. Шунингдек, 1932 йилда Фарғонада биринчи миаллий терма жамоа тузилади.

1934—1935 йилларда Тошкентда Москва, Челябинск, Харьков жамоалари иштирокида бир нечта учрашувлар бўлиб ўтади. 1935 йилда Тошкентда “Спартак” ва “Локомотив” спорт жамиятлари ташкила этилади ва улар қошида футбол мактаблари очилади.

1936 йил сентябрида Тошкентда I ўрта Осие спорт тақиядаси бўлиб ўтади. Бу вақтга кеалиб юртимизда Довженков, Водров каби маҳоратли чарм тўп усталари етишиб чиққанди. Спартакиадада юртдошларимиз барча учрашувларни йирик ҳисобларда у

фойдаларига ҳал этган ҳолда ўрта Осие чемпиони бўлишди.

1937 йили собиқ Иттифок чемпионатининг “Г” турғида Тошкентнинг “Динамо” жамоаси иштирок этади. Ушбу жамоа 11 та ўйин ўтказиб, 4 тадан ўйинда ғалаба ва марғубият қайд этилади, уч учрашув дуранг натижа билан якунланади. Бу илк бор чемпионатда қатнашаётган жамоа учун ёмон натижа эмасди.

Орадан икки йил ўтгач — 1939 йилдан Ўзбекистон Кубоги мусобақалари ўтказилад бошланди. Дастлабки мамлакат Куболини кўлга киритган “Динамо” (Тошкент) жамоаси собиқ Иттифок Кубоги турнирининг 1/16 финал учрашувида қатнашиш имкониятига эга бўлади.

Шуниси қизиқки, бундай даражадаги мусобақаларда илк бор қатнашаётган бўлишга қарамай “Динамо” кетма-кет учта ўйинда ажойиб ғалабаларга эриштиш ҳолда футбол оламида катта шов-шувни юзага келтирди ва Кубок баҳсларининг ярим финал босқичига чиқишга муваффақ бўлди.

Чемпионатда кўрсатган натижалари, футболчиларнинг ўз вазифаларига сикқидилдан ёндашишлари жиҳатидан “Динамо” жамоасини барчамиз учун сенимали бўлган “Пахтакор”нинг дебючаси бўлган эди, дея дамди айта оламиз.

II жаҳон уруши бошланганидан сўнг табиийки, футбол мусобақалари ҳам бирмунча муддат тўхтаб қолди. Ўнрок 1942 йил Тошкент шаҳар биринчилиги ҳамда мамлакат Кубоги беллашувлари ўтказилади. Шунингдек, мураккаб шароитларга қарамай, Олмаотада ўрта Осие республикалари спартакиадаси бўлиб ўтади. Унда россиялик машҳур мураббий Михаил Бутусов бош мураббийлик қилган мамлакатимиз терма жамоаларини учта ғалаба ва битта марғубият билан спартакиада минби бўлди. Жамоамизнинг ҳужум чизигида эса аввал Киевнинг “Динамо” жамоасида ўйнаган моҳир футболлар Константин Шегоцкий жуда яхши ҳаракат

қилиб, габабга ўзининг катта хиссасини қўшди. Бунда дарвозабон Давид Бердиннинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

1944 йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳри навбатдаги ўрта Осие спартакиадасига мезбонлик қилди. Бу гап ҳам ҳужумкор ўйин кўрсатган юртдошларимиз Тожикистон терма жамоасини енгиб, Қозоғистонликлар билан 1:1 дуранг натижа қайд этиб, сўнгги икки ўйинда туркманистонлик рақибларини 4:0 ҳамда Қирғизистон терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этган ҳолда бирор марта ҳам ютқазмасдан габаба нашидасини сурдилар.

1946 йилдан собиқ Иттифоқ чемпионати учинчи туруҳи бемалшуварида яна бир Тошкент жамоаси — ОДО қатнаша бошлади. Ушбу жамоа таркибиде М. Хўжаев, С. Будагов, Б. Ковержнев каби иқтидорли футболчилар бор эди. 1948 йили эса ОДО Куроли Кучлар Кубогиде муваффақиятли қатнашиб, биммур соврин соҳибига айланеде.

1953 йилги чемпионатде ҳарбий соҳадеги ислоҳотлар туфайли тутатилган ОДО ўрнига Ўзбекистондан фақат битта жамоа — “Спартак” (Тошкент) иштирок этеде. Қизиги шундеки, ўша йили жамоа таркибидан келгусиде “Пахтакор” сафиде муваффақиятли тарзда тўп сурган Илғай Газетдинов, Лаазиз Максудов каби истикболи порлоқ футболчилар ўрин олганде. Ушбу жамоа “Б” классиде 1953–1955 йилларде 7, 9 ва 14 ўринларни эгаллаган.

Нихоят, 1956 йилнинг январь ойиде машҳур “Пахтакор” жамоаси тапшиқе этиледе. Ушбу жамоани “Динамо” (Москва)нинг собиқ ўйинчиси Валерий Бектеев бош мураббий сифатиде шақмантираде. “Пахтакор” ўзининг дастлабки машгулотлари ва ўйинлари ни машҳур “Спартак” стадиониде ўтказган бўлса-де, 1956 йилнинг август ойиде муҳташам “Пахтакор” стадиони фойдаланишга топшириледе.

“Б” классиде ўтказилган дастлабки мавсумде “Пахтакор” бирмунча нотекис тўп сурган ҳолде (аббатта, нинги жамоа) турнир жалдвалиде 13-ўринни эгалледе. Шунде ҳам жамоа ҳужумкор руҳде тўп суриб, 34 та ўйинде 44 та тўп киритледе. Ўша йили “Пахтакор” футбол мактабининг тапшиқе этилиши келгусиде қўллаб-қувватлаш мақсади биле энгиледеги чикиб, сезимли жамоализ муваффақиятларига ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшишларига замин яратган.

1960 йили “Пахтакор”нинг олий лигаде чиқиши бутун ўзбек футболу учун катта воқеага айланле. Ўша йили жамоа таркибиде Ю. Пшеничников, А. Азизхўжаев, В. Сунонов, В. Тожиров, О. Моторин, Г. Красницкий, С. Стадник, Ю. Беляков каби моҳир футболчилар тўп сурганде. Красницкий — Стадник жуфтлети эса ўзаро уйғунлиқдеги ажойиб ҳаракатлари билан футбол оаминани лол қолдира бошладе. Энг қувонарлиси, жуде кучли зарбага эга Геннадий Красницкий навқирон 20 ёшде бўлишга қарамай 19 та гол киритиб, мавсумнинг энг сермахсуд ўйинчиси биле битта тўп ортде қолде, холос. Бу олий лига дебютантти учун жуде яқши натижа эде.

Келгуси мавсум бошлариде Красницкий терма жамоа таркибига қабул қиллинеде ва 20 та тўп киритгани ҳолде чемпионатде янаде кучлироқ ўйин кўрсатде. Унинг зарбалари шунчалек кучли эдики, жарима тўпини тепедеган пайтлариде ҳатто Лев Яшин, Вадимир Маслаченко каби афсонавий дарвозабонлар ҳам ҳаликспираб туришарде. Жанубий Америкаде 1963 йилги сафар чоғиде ўртоқлик учрашуваридан бириде Красницкийнинг зарбасидан сўнг дарвоза турининг иртилиб кетлиши ҳам тилларде достон бўлганде.

Футболализ тарихиде 1962 йил алоҳиде ўрин туталеде. Ёшани шу йили зафарли воқеалар кўп бўлган. Чунончи, олий лигаде атиги учинчи мавсумде қатнашганлига қарамай 1962 йил “Пахтакор” учун жуде омадли келде. Шу йили жамоа турнир жалдвалиде

фахрли олтинчи ўринни эгаллади. Барча футболчиларга спорт устаси унвоналари берилди. Дарвозабон Юрий Пшеничниковнинг маҳорати тан олинди, терма жамоа сафига жааб этила бошланди. Бу Г. Красницкийдан кейин терма жамоа сафидан ўрин олган иккинчи футболчимиз эди. 1962 йилги мавсумдаги кувончли воқеалардан яна бир шундан иборатки, Тошкентнинг "Сокол" жамоаси жисмоний тарбия жамоалари ўртасида мамлакат Кубогини қўлга киритади. Ушбу юқори натижа муносабати билан "Сокол" жамоаси футболчилари ҳам спорт устаси унвоналарига лойиқ деб топилди.

Нихоят, 1962 йилнинг охирида — 1 декабрда Тошкентда ўзбек футболининг 50 йиллиги кенг нишонланди.

1965 йилда юртимиз ўсмирлар терма жамоаси "Юность" клубининг соҳиби бўлди. Шу жамоа таркибидан ўрин олган, ўша пайтда 18 ёшда бўлган мохирхимолячи Сергей Дюпенко ва хужумчи Вячеслав Бектошев кейинчалик ўсмирлар ўртасида ҳам Европа чемпионлари бўлишди, кўли йиллар давомида "Пахтакор" жамоаси таркибида муваффақиятли тўли суришди.

1968 йил "Пахтакор" жамоаси учун жуда омадли келди. Ўша йил футболчиларимиз мамлакат Кубогини финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ларчи "Пахтакор" ҳал қилувчи баҳсда жуда кучли "Торпедо" (Москва) жамоасига 1:0 ҳисобида ютқазиб қўйган бўлса-да, шу натижанинг ўзи ҳам юксак марта эди. Шу муносабат билан "Пахтакор"нинг барча ўйинчиларига спорт устаси унвоналари берилди.

Юқоридаги мавсум охирида эса "Пахтакор"нинг энг кучли ўйинчиларидан бири Биролдар Абдураимов 22 та тўли киритгани ҳолда тбилислик Г. Павашеви билан бирга мавсумнинг энг сермахсул хужумчиси бўлди.

Ўтган асрнинг 60-йилларига хос яна бир ҳолатни айтиб ўтиш ўринлидир. Тошкент вилоятидаги жамоа хўжалигининг "Политотдел" жамоаси II гуруҳда тўли су-

раётган бўлишига қарамай 1966 йили олий лигага чиқишига бир баҳш қолди. Фақат ўтиш турнирида яхши натижа кўрсатолмагани бунга имкон бермади. Футболда шундай воқеалар ҳам учраб туради.

Умуман, 60-йилларда ўзбекистоннинг "Спартак" (Англижон), "Нефтяник" (Фарғона) каби бир нечта жамоалари II лига жамоалари билан бирга тўли сурган.

1970-йилларнинг бошларида "Пахтакор" жамоасида авлодлар алмашинуви жараёни рўй берди. Амбатов, Г. Красницкий, Б. Абдураимов, Ҳ. Раҳматуллаев, Б. Иброҳимов, С. Дюпенко каби етакчи чарм тўли устасларининг ўриналарини босиш осон эмасди. Шундай бўлса-да, тажрибали мураббий Вячеслав Соловьёв М. Ан, В. Фёдоров, О. Аширов, В. Хадзипанатис, К. Баканов каби ёш, иқтидорли ўйинчиларни дадил асосий таркибга қўя бошлади ва тез орада бу ўз мевасини берди. В. Фёдоров, М. Ан мамлакат терма жамоаси таркибига киритилди. В. Хадзипанатис эса олимпия терма жамоаси ўйинчиларига жааб этилди. Кейинчалик она ватани Грецияда тўли сурган В. Хадзипанатиснинг сўнгги 50 йил ичида Грециянинг энг зўр футболчиси деб топилгани ҳам ўзбек футболдан уякан истеъдодлар етишиб чиққанидан даволат беради.

Мана шундай кучли таркибда "Пахтакор"нинг 1975 йилда Европа кубок эгаларининг Кубогини ва Суперкубогини соҳиби бўлган Киевнинг машҳур "Динамо" жамоасини сафарда 1:0, ўз майдонидида эса 5:0 ҳисобида енгганини ишқибозлар ҳамон унутганлари йўқ.

1976 йилда эса М. Ан ва В. Фёдоров ёшлар ўртасида Европа чемпиони бўлишди.

1979 йилда "Пахтакор"ни Киев "Динамо"сида тажриба орттирган Олег Базилювич бош мураббий сифатида қабул қилганидан сўнг жамоанинг ўйини жуда қовушиб кетди. Айниқса, ҳам сафарда, ҳам ўз уйида ўлказилган қаторасига 4 та ўйинда ғабаба қозонган "Пахтакор"ни тўхтатиб қолдиш қийиндек эди. Бироқ 1979 йил 11 августда Минск томон парвоз қилаётган

пахтакорчилар тушган самолёт Украинанинг Днепро-Дзержинск шаҳри агрофида, ҳавода бошқа бир самолёт билан тўқнашиб кетади. Уша машғум авиация ҳалокати натижасида “Пахтакор” жамоасининг асосий таркиби самога сочилган юлдузлар янглиғ бизнинг ораминздан кетди. Амбатта, бу жуда оғир йўқотиш эди.

1980 йилларда Ўзбекистон футболда унчалик катта муваффақиятлар кўзга ташланмади. Фақат, “Пахтакор” (Тошкент) 1982 йилги мавсумда 1962-йилги натижани такрорлаган ҳолда олий лигада 6-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. “Пахтакор” етакчиси Андрей Якубик эса 23 та тўп киритиб, чемпионатнинг энг сермахсул хужумчиси бўлди. Бирок тез орада — 1984 йилги мавсумдан кейин “Пахтакор” биринчи лигада тушиб кетди ва ушбу босқичда мустақкам ўйнашиб олдди. Энг аянчлиси, 1986 йилги мавсум охирида “Пахтакор”нинг ҳатто иккинчи лигада тушиб кетишига ҳам оз қолди ва ўша йили у турнир жалдвалида 17-ўринни эгаллади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистондан яна бир кучли жамоа — “Звезда” (“Звезда”) Жиззах ҳам етишиб чиқдики, ушбу жамоа 6 йил давомида биринчи лигада тўп сурди.

Бутун Ўзбекистон футбол мухлислари фахрланадиган яна бир воқеа шундан иборатки, 1972-1975 йилларда “Пахтакор” таркибида тўп сурган ўзбек футболининг тарбияланувчиси, кейинги йилларда она ватани Грецияга кўчиб ўтиб, маҳаллий “Ираклис” жамоасида фаолият кўрсатган рофт истевьодли футболчи Василс Халзипаналис 1984 йили 22 июнь кунни АКШда ўтказилган жаҳон терма жамоаси ва “Космос” (Нью-Йорк) жамоаси ўртасидаги баҳсда жаҳон терма жамоаси сафарарида майдонга тушди. Василс ўша ўйинда Шилтон (Англия), Крол (Голландия), Томес (Португалия), Киган (Англия), Санчес (Мексика), Кемпес (Аргентина), Беккенбауэр (Германия) каби жаҳон футболни

нинг энг йирик юлдузлари билан бирга яшии майдонда тўп сурганли. Ушбу учрашув жаҳон терма жамоасининг 3:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланган.

Шунингдек, 1988 ва 1989 йилларда “Пахтакор” биринчи лига Кубогининг соҳиби бўлди.

1991 йилда эса “Нефтяник” (Фарғона) ва “Навбахор” (Наманган) жамоалари ҳам битта мавсум давомида биринчи лига жамоалари турнирида баҳс юритишди.

1991 йилда мамлакатимиз Мустақилликка юз тугач ўзбек футболда ҳам янгилаштилар даври бошланди, спортимиз жаҳонга юз тугди.

1992 йилдан бошлаб юртимизда миаллий чемпионат ва Кубок ўйинлари ўтказилма бошланди.

Ўзбекистон терма жамоаси 1992 йил 17 июнда Тожикистон терма командаси билан ўзининг дастлабки ўйинини ўтказди ва ушбу учрашув 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланди.

1994 йил 16 июнда ФИФАнинг 49-конгрессида Ўзбекистон бошқа Марказий Осиё давлатлари қатори ФИФАга тўлақонлай аъзо сифатида қабул қилинди. Тез орада мамлакатимиз Осиё футбол конфедерациясига ҳам аъзо бўлди. Бу бизнинг клубаримизга Осиё Кубокларида қатнашиш, миаллий терма жамоаларимизга эса жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинлари саралаш турнирлари, Осиё чемпионати, қитъа ўйинлари ва бошқа нуфузли мусобақаларда иштирок этиши имконини берди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга бўлган муҳим эътибори, Президентимизнинг бу борадаги қатор Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари самараси ўлароқ бошқа спорт турлари қатори футболни ҳам тараққий эттиришнинг замонавий негизи яратилди. Мамлакатимизда кўплаб халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган стадионлар, спорт мажмуалари бүгүд эгилди. Болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди.

Бу вақтга келиб, ўзбек футболда Миржаало Қосимов, Февзи Давлетов, Андрей Фёдоров, Илҳом Шарипов, Абдуқаҳҳор Матруфалиев, Шуҳрат Мақсулов, Нўрмон Хасанов, Азамат Абдураимов каби иктидорли футболчиларнинг янги авлоди етишиб чиқди.

Юртимизда футбол ривожига қаратилаётган савб-ҳаракаатлар тез орада ўз мевасини бера бошлади. Мисол учун биргина 1994 йилни олайлик.

1994 йил 11 – 19 апрель кунлари Тошкентда Марказий Осиё давлатлари миқдрий терма жамоалари ўртасида халқаро “Тошкент турнири” ўтказилди. Унда уч габаба, битта дуранг натижа билан юртдошларимиз зафар кучишди. 1994 йилда Ўзбекистон терма жамоаси ўз тарихида энг салмоқли габабалардан бирига эришди. Футболчиларимиз Хиросимада ўтказилган XII Осиё ўйинларида хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. Бу нуфузли турнирда чарм тўп устларимиз дастлаб Саудия Арабистони термасини 4:0, малайзиялик футболчиларни 5:0, Гонконг жамоасини 1:0, Таиланд термаси устидан 5:4 ҳисобидаги габабаларга эришиб, ярим финалга йўлланма олишди. Бунда жуда кучли Жанубий Корея терма жамоаси 1:0 ҳисобида мағлуб этилди ва ушбу ўйиндаги фангастик гонни Азамат Абдураимов киритди.

Финалда хитойлик футболчилар 4:2 ҳисобида мағлуб этилгач Ўзбекистон миқдрий терма жамоаси XII Осиё ўйинларининг қолиби бўлди. Олтин медаллар билан тақдирланган футболчиларимиз габабаси шарафига стадион узра малҳиямиз интраб, давлатимиз байроғи мағрур хилпиради. Бош мураббий Рустам Акрамов ва катта мураббий Виродар Абдураимовлар тайёрлаган терма жамоа таркибидан Юрий Шейкин, Александр Тихонов, Андрей Фёдоров, Фарҳод Матометов, Февзи Давлетов, Улуғбек Рузимов, Степан Атоян, Сергей Лебедев, Миржаало Қосимов, Абдусамад Дўрмонов, Абдуқаҳҳор Матруфалиев, Илҳом Шарипов, Азамат Аб-

дураимов, Игорь Шквирин, Шуҳрат Мақсулов, Рустам Дўрмоновлар ўрин олганли.

Кубонарар томони шундаки, турнирда чарм тўп устларимиз еттига ўйинни габаба билан якуналилар ва Юрий Шейкин, Миржаало Қосимов ҳамда Игорь Шквиринлар чемпионатнинг энг яхши ўйинчилари сафидан ўрин олдилар.

Осиё ўйинлари қолиби сифатида 1995 йилда терма жамоамиз Африка чемпионли Нигерия футболчилари билан Осиё — Африка миқдлараро кубоғи мусобақаси доирасида иккита ўйинда ўзаро куч синашдилар. Жуда кескин кечган ҳар иккада ўйинда футболчиларимиз 2:3 ва 0:1 ҳисобларида мағлубиятга учраган бўлсаларда, бу ўйинлар улар учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Умуман, муштақимлик йилларида юртимизда футболнинг Осиё ва жаҳон миқёсига чиқиб боришида давлатимизнинг бошқа спорт турлари қатори чарм тўпни ҳар томонлама тараққий эттиришга қаратаётган муҳим эътибори катта рол ўйнади. Масалан, 1993 йил 18 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлса, 1996 йил 17 январда “Ўзбекистон футболини ривожлантиришнинг тапқилвий асослари ва принципларини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори чиқди.

Мазкур қарор келгусида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосида республикада футболни профессоронал клублар тузиш орқали ривожлантириш йўналиши жорий этилди.

1997 йил 3 июлда Гонконгга жаҳон ва Осиё терма жамоалари учрашувни бўлиб ўтди. Унда Маттеус, Заммер (Германия), Папен (Франция), Дунга (Бразилия), Вест (Нигерия), Шуккур (Туркия) каби юлдузлар билан бирга юртдошимиз Сергей Лебедев ҳам жаҳон терма жамоаси сафарарида тўп сурди.

1998 йил 6 июлда эса Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда футболни ривожлантириш фонди фаолиятини яқшилатиш ва уни кўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унинг ижроси йўлида ҳам талай самарали ишлар амалга оширилди. Ва юртимизда футболни ривожлантиришга қаратилган ана шундай жиддий эътибор тез орада ўз мевасини бера бошлади.

2000 йилда минни-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионатига иккинчи ўринни эгаллади. 2001 йилда Ўзбекистон терма жамоаси Малайзияда ўтказилган “Мердека” халқаро турнирига тақдир эгилди. В. Салъков бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз аъзолари гуруҳда Малайзия, Таиланд ва Ҳиндистон терма жамоаларини енгиб, ярим финалга чиқдилар. Бу гал футболчиларимиз Бахрайн термаси ustидан 2:0 ҳисобида галаба қозониб, ҳал қилувчи баҳсда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритдилар. Финалда ҳам футболчиларимиз 2:1 ҳисобида зафар кучиб, “Мердека” турнири роҳиблари бўлишди.

2002 йилда мамлакатимизда ўзбек футболининг тўқсон йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан “Ўзбек футболни ҳафталиги” республика миқозининг барча шаҳар ва қишлоқларида байрамона тарзда ўтказилиб, футбол баҳслари, машҳур футболчилар билан учрашувлар, футбол шуларни, концерт дастурлари ташкил этилди.

Ўзбекистон футболининг 90 йиллиги байрамининг асосий тантаналари 7 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтди. Шу куни Ўзбек миллий академик драма театрида “ФФнинг юбилей ижроқўми йиллиши, “Пахтакор” марказий стадионинда 12-14 ёшли маҳаммалар болалари ўртасида “Футболимиз келажак” республика турнири ўтказилиб, Ўзбекистон эстрада юлдузлари икросида байрам дастури, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Япония клублари терма жамоаси ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви ташкил этилди.

2003 йилда Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига илк бор 20 ёшгача ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатига қатнашиш насиб этди. Истеъдодли мураббий Виктор Борисов етакчилик қилаётган ёшларимиз БААда Мали, Аргентина ва Испания жамоаларига учрашувларни 2:3, 1:2 ва 0:1 каби кичик ҳисобларда бой берган бўлсаларда, терма жамоамиз ўйини мужлис ва мутахассисларда илк таассурот қолдирди. ФИФА президенти Зеп Блаттер ҳатто Ўзбекистон футболчилари ҳақида шундай фикр билдирганди: “Сизларнинг мухлисларингиз ўз жамоалари билан ҳар қанча фахрланишса арзийди. Ўзбекистонда истеъдодли ёшлар камол топаётганини бутун жаҳон кўрди”. Дарҳақиқат, ўша таркибда ўйнаган А. Гейнрих, И. Нестеров, И. Зейтуллаев, М. Ёикмаев, Ж. Ҳасанов каби футболчилар кейинчалик миллий терма жамоа таркибига тўп суурди.

2006 йилда Ўзбекистон футболда кескин бурилиш исалган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 майдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қамда Вазирлар Маҳкамасининг 18 августдаги “Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактаби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорлар ижроси йўлида бутунги кунда болалар ва ўсмирлар футболини тараққий эттириш, янги ўқув-машғулот масканлари, сунъий қопламали футбол майдонлари барпо этиш, футбол мактаблари молдй-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда футболни ривожлантиришнинг профессионал тарзда амалга оширилиши асосида клубларнинг молдй имконияти ошмоқда.

2008 йилнинг ноябрь ойида Саудия Арабистонинда ўтказилган 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатига Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлигида юртдошларимиз ажойиб ўйин кўрсатилди. Улар фақат финал баҳсида БАА футболчиларига 1:2 ҳисо-

бида ютказиб кўйиб, кумуш медаллар соҳиб бўлишди ва 2009 йили Мисрда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

2007 – 2009 йилларда Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни давлат томонидан янада кўлаб-қувватлаш, футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг урта қарори ҳамда Президентимизнинг 2007 йил 28 майдаги “Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳаётга татбиқ этила бошланди.

Футбол клублари ва терма жамоалга захира тайёрлаш мақсадида барча минтақаларда футбол бўйича ижтисошлантирилган мактаб-интернатларнинг очилган нур устига нур бўлди. Бундан олти йил аввал очилган ижтисошлантирилган ҳакамлар мактаби ҳар йили 30дан ортиқ мутахассисларни етиштириб бермоқда. Келгусида улар бошқарилган ҳар бир ўйин бағфисил таҳлил қилинади. Бундан ташқари, ҳар йили Ўзбекистонлик кампида 2 нафар ёш ҳакам Осиёнинг ҳакамлар тайёрлашга мўлжалланган “Кеажак лойиҳаси” да иштирок этади. Кеажакда улар ФИФА реферлари бўлишди.

Айниқса, 2010 йил Ўзбек футболда ажойиб галабаларга бой йил бўлди. Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамларимизнинг ушбу муваффақиятларидан ташқари, Аргентинада бўлиб ўтган ампутант-ногиронлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида спортчиларимиз иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлдилар. Фуртвал бўйича терма жамоамиз Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медалларни кўлга киритди.

Тошкентда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Алексей Евстафеев боши мураббийлигидаги терма жамоамиз туруҳда Тожикистон, Иордания, Бангладеш терма жамоаларига қарши курашиб, кейинги босқичга йўланма олади. Фақат финал учрашувида Жанубий корейлик тен-

кўларига ютказиб кўйган ўсмирларимиз кумуш чемпионлар соҳиблари бўлишди ва келаси йилда Мексикада ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўланма-ни кўлга киритишди.

2011 йилнинг январь ойида Қатарда ўтказилган ХУ Осиё чемпионатида ҳам чарм тўп устларимиз ҳужумкор ўйинлари билан муҳасири кўнглимизни хушнуд эттишди. Хусусан, туруҳдаги баҳсларда майдон эгалари Қатарни 2:0, Кувалт футболчиларини 2:1 ҳисобидан енгган спортчиларимиз учинчи ўйинда Хитой термаси билан 2:2 ҳисобидан дуранг натижа кўрсатишди ва 7 очко билан туруҳда 1-ўринни эгаллашди. Чорак финалда ҳам ҳамюртларимизнинг кўллари баланд келди — Ўзбекистон — Иордания — 2:1.

Шу тариха футболчиларимиз ўз тарихларида икк бор ярим финалга йўланма олишди. Домий ноқуллай рақиб — австралияликларга ўйинни бой берган футболчиларимиз учинчи ўрин учун баҳсда ҳам Жанубий Корея термасига ютказиб кўйишди ва фахрли туртинчи ўринни эгаллашди. Бу ҳозирга қадар футболчиларимизнинг қитъа чемпионатларида эришган энг юқори натижаси эди.

2011 йил июль ойида Мексика пойтахти Мехикода ўтказилган 17 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионатида Алексей Евстафеев боши мураббийлиги остидаги футболчиларимиз ҳам юксак довонни забт этишди. Ўз туруҳларида дас-табқи ўйинда Янги Зеландияга 1:4 ҳисобидан ютказган ҳамюртларимиз, кейин АКШ ва Чехия жамоаларини 2:1 ҳисобидан енгиб, нимчорак финалга чиқди-лар. Ўсмирларимиз ушбу босқичда ноқуллай рақиб бўлишга қарамай Австралия терма жамоасини йиллик — 4:0 ҳисобидан мақуб эттишди. Фақат чорак финал учрашувида Уругвай терма жамоасининг 2:0 ҳисобидан кўли баланд келди. Марубийатга қарамай, футболчиларимиз икк бор жаҳоннинг энг кучли саккиз терма жамоаси каторидан ўрин олишди. Жамоа етак-

чилиари Аббосбек Махстамиев ва Тимур Ҳакимовлар учтадан тўп киритишиб, турнирнинг энг кучли ўйинчилари сафига киришди.

Жаҳон чемпионатида шундай юқори натижа кўрсатган ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси юртимизга ёруғ юз билан қайтди. Тошкент хаққаро аэропортида футболчиларимиз тантанали равишда кутиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 июлдаги “Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармойишига асосан ўсмир футболчиларимиз ва уларнинг мураббийларига “Ўзбекистон муштақилигига 20 йил” эсдалик нишони ва юртимизда ишлаб чиқарилган автомашиналар топирирди.

2011 йилнинг октябр ойида Осиё футбол конфедерацияси Кубоги учун ўтказилган хаққаро турнирда Қаршининг “Насаф” жамоаси тўрух босқичида ўтказилган олти учрашувнинг барчасида галаба қозониб, рақиблар дарвозасига ўттизта тўп киритгани ҳолда тўрух босқичида сермахсумли бўйича янги рекорд ўрнатди. Сўнг улар зафарли юришларини давом эттириб, нимчорак, чорак ва ярим финал баҳсларида “Чонбурри” (Таиланд), “Ал-Файсали” ва “Ал-Вихдат” (Йордания) жамоаларини мағлуб этдилар.

Нихоят, Қарши шаҳрида ўтказилган финал учрашувида “Насаф”га 2009 йилги ОФК Кубоги соҳиби Кувайтнинг “Кувайт СК” қауби рўбарў кеади. Ҳаққилувчи баҳсда 2:1 ҳисобида устун кеаган ҳамюртларимизга ик бор шундай нуфузли совринни қўлга киритиш насиб этди ва бу муштақилигимизнинг 20 йиллигига футболчиларимизнинг муносиб совғаси бўлди.

“Насаф” ўйинчиларига Осиё футбол конфедерацияси Кубоги ва олтин медаллар топирирди. “Fair Play” (Ҳақол ўйини учун) мукофоти ҳам “Насаф”га насиб этди. Мусобақа давомида ўнга тўп киритган Иван Бошкович турнирнинг энг сермахсуа тўлғурари бўлди.

Новбрь ойида “Пахтакор” ўн биринчи бор Ўзбекистон Кубогининг соҳиби бўлди.

Шу ўринда хаққил савол туғилади: “Хўш, кейинги йилларда мамлакатимиз футболининг юқоридати қаби хаққаро майдондати ютуқларига қандай омиллар сабаб бўлмақда?”

Албатта, бунда авваламбор шахсан давлатимиз раҳбари ва ҳуқуқатимизнинг спортнинг бошқа турлари қаби футболни хар томонлама ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори муҳим ўрин тутмоқда. Юқоридати ҳам Юртбошимиз ва ҳуқуқатимизнинг бу борадаги бир нечта қарорлари хусусида тўхталиб ўтландик. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Қаримовнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган “2011 – 2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва молдий-техник базасини муштаққамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда футболни ом-малалтириш ва ёш спортчиларни тайёрлаш, уларни қўлаб-қувватлашга қаратиллаётган доимий эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Маэқур қарорда мамлакатимизда янги стадионлар барпо этиш, маэжудларини реконструкция қилиш, болаалар ва ўсмирлар футбол мактабларини спорт жихозлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва қақамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ёш истеъодларни излаб топиш, қўлаб-қувватлаш борасидати ишларни янада кучайтириш, футбол мактаблари билан маҳаллий клублар ва терма жамоаларимиз ўта-сидати ҳамкорлик тиэимини янада муштаққамлаш чора-тадбирлари ўз аксини тошпан.

Ўйлаёмизки, кеакусида юртимизда яратилган шароитлардан муносиб фойдаланган футболчиларимизнинг хаққаро майдондати ютуқлари саммоғи янада ошати.

**ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТЛАРИНИНГ БАРЧА  
ҲОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ**

Мавсум	Чемпион	2-ўрин	3-ўрин
1992	"Пахтакор" (Тошкент)	"Сўғдиёна" (Жиззах)	"Нурафшон" (Бухоро)
1993	"Нефтчи" (Фарғона)	"Пахтакор" (Тошкент)	"Навбахор" (Наманган)
1994	"Нефтчи" (Фарғона)	"Нурафшон" (Бухоро)	"Навбахор" (Наманган)
1995	"Нефтчи" (Фарғона)	МХСК (Тошкент)	"Навбахор" (Наманган)
1996	"Навбахор" (Наманган)	"Нефтчи" (Фарғона)	МХСК (Тошкент)
1997	МХСК (Тошкент)	"Нефтчи" (Фарғона)	"Навбахор" (Наманган)
1998	"Пахтакор" (Тошкент)	"Нефтчи" (Фарғона)	"Навбахор" (Наманган)
1999	"Дўстлик" (Тошкент)	"Нефтчи" (Фарғона)	"Навбахор" (Наманган)
2000	"Дўстлик" (Тош- кент вилояти)	"Нефтчи" (Фарғона)	"Насаф" (Карши)
2001	"Нефтчи" (Фарғона)	"Пахтакор" (Тошкент)	"Насаф" (Карши)
2002	"Пахтакор" (Тошкент)	"Нефтчи" (Фарғона)	"Қизилқум" (Зарафшон)
2003	"Пахтакор" (Тошкент)	"Нефтчи" (Фарғона)	"Навбахор" (Наманган)
2004	"Пахтакор" (Тошкент)	"Нефтчи" (Фарғона)	"Навбахор" (Наманган)
2005	"Пахтакор" (Тошкент)	"Машғала" (Муборак)	"Насаф" (Карши)
2006	"Пахтакор" (Тошкент)	"Нефтчи" (Фарғона)	"Насаф" (Карши)
2007	"Пахтакор" (Тошкент)	"Қурувчи" (Тошкент)	"Машғала" (Муборак)
2008	"Бунёдкор" (Тошкент)	"Пахтакор" (Тошкент)	"Нефтчи" (Фарғона)
2009	"Бунёдкор" (Тошкент)	"Пахтакор" (Тошкент)	"Насаф" (Карши)

2010	"Бунёдкор" (Тошкент)	"Пахтакор" (Тошкент)	"Карши" "Насаф" (Карши)
2011	"Бунёдкор" (Тошкент)	"Насаф" (Карши)	"Пахтакор" (Тошкент)
2012	"Пахтакор" (Тошкент)	"Бунёдкор" (Тошкент)	"Локомотив" (Тошкент)
2013	"Бунёдкор" (Тошкент)	"Локомотив" (Тошкент)	"Насаф" (Карши)

**ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНЛАРИ**

Клуб	Неча марта чемпион бўлган	Чемпионаликка эришган йиллар
"Пахтакор" (Тошкент)	9	1992, 1998, 2002, 2003, 2004, 2005, 2006, 2007,
"Нефтчи" (Фарғона)	5	1992, 1993, 1994, 1995, 2001
"Бунёдкор" (Тошкент)	5	2008, 2009, 2010, 2011, 2013
"Дўстлик" (Тошкент вилояти)	2	1999, 2000
"Навбахор" (Наманган)	1	1996
МХСК (Тошкент)	1	1997

**ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТЛАРИНИНГ ЭНГ  
СЕРМАҲСУА ҲИЙИЧИЛАРИ**

Мав-сум	Ҳийичи	Команда	Киритган голлари
1992	Вақерий Кечинов	"Пахтакор" (Тошкент)	24
1993	Рустам Дурмонов	"Нефтчи" (Фарғона)	26
1994	Рашид Вазоров	"Нефтчи" (Фарғона)	26
1995	Осег Шапких	"Навбахор" (Наманган)	26

1996	Жаъфар Ирисметов Оает Шалпик	"Дўстлик" (Тошкент вилояти) "Навбахор" (Наманган)	23
1997	Жаъфар Ирисметов	"Дўстлик" (Тошкент вилояти)	34
1998	Илгорь Шквирин	"Пахтакор" (Тошкент)	22
1999	Миржаоло Қосимов Умид Исоқов Бактиёр Ҳамидуллаев	"Пахтакор" (Тошкент) "Нефтчи" (Фаргона) ФК "Андижон"	22 24 24
2000	Жаъфар Ирисметов	"Дўстлик" (Тошкент вилояти)	45
2001	Умид Исоқов	"Нефтчи" (Фаргона)	28
2002	Бактиёр Ҳамидуллаев	ФК "Андижон"	22
2003	Марсая Идиатуллин Шухрат Мирходдишов	"Кизилкум" (Зарафшон) "Навбахор" (Наманган)	26 26 26
2004	Шухрат Мирходдишов	"Навбахор" (Наманган)	31
2005	Мирходдишов	"Пахтакор" (Тошкент)	29
2006	Анвар Солиев Павла Соломин	"Трактор" (Тошкент) "Курувчи" (Тошкент)	21 21
2007	Илҳом Мўминжонов	"Курувчи" (Тошкент)	21
2008	Сервер Жепаров	"Бунёкдор" (Тошкент)	19
2009	Ривалдо	"Бунёкдор" (Тошкент)	20
2010	Алишер Холиқов Носир Отақўзиев	"Нефтчи" (Фаргона) ФК "Олмалик"	13 13
2011	Милош Трифуневич	"Бунёкдор" (Тошкент)	17
2012	Анвар Бердиев	"Нефтчи" (Фаргона)	19
2013	Олександр Пинтур	"Бунёкдор" (Тошкент)	19

## СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

Амалга оширилган яхши иш, савоби амал ҳеч қачон изсиз кетмайди. Ёлғи ҳар бир хайри ишнинг, абаб-та, давоми бўлади. Биз юқорида ўзбек футбол мактаби довуғини жаҳонга ёғатган ҳакам Равшан Эрматовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида баҳол-қудрат сўз юритдик. Абабта, "Хўш, Равшан Эрматовнинг шундай юқори даражага етишида қандай омилар муҳим ўрин тутди?" қабилдаги саволнинг тугилиши табиий.

"Мозийга қараб иш туттиш хайридир", деганларидек, кейинг, яқин ўтмишимизга бир нигоҳ ташлайлик. Истиқлолга эришганимизнинг дастлабки пайтлариданоқ Юртбошимиз раҳнаомлигида мамлакатимизда спортнинг барча турлари, жумладан футбол-ни ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш-та муҳим эътибор қаратилди бошланди. Энг асосийси, ўзбекистонда жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатига ўхша-ши бўлмаган, ёшларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш ва спортга ошно этишти қаратилган уч поронали "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" кенг қўламли спорт мусобақаларини ўтказиш йўлга қўйилди. Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилиб, барча вилоят ва шаланларда унинг филиаллари очилди. Булар бўлажақ қалабалар ва муваффақиятларнинг тамба тоши эди. Нагижалар эса салмоқли. Жамғарма ташкила этилганидан сўнг ўтган ўн йиллик жуда қисқа вақт ичйда унинг мабалалари ва қўлаб-қувватлаши остида жойларда қанчадан-қанча спорт мажмуалари, стадионлар қад ростлади, юз минглаб ёшларимиз спорт билан профессионал тарзда шугулман бошладилар. Улар орасидан қўлаб қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли хаққаро мусобақаларнинг фойиб ва совриндорлари етишиб чиқмоқда. Спортчиларимиз қалабалари шарафига жаҳоннинг барча қитъаларида давлатимиз маҳияси янграб, байроғимиз марғур ҳилпирамоқ-

да. Шу тарихқа, Ўзбекистон қисқа муддат ичида футбол, гимнастика, кураш ва теннис мамлакатига айланди.

Жаҳон аҳли тан берган истерлодди ҳакам Равшан Эрматов ҳам Мустақимлик даврида ўсиб-ўлағайди, инсон камолоти йўлида яратилган барча шарт-шароит ва имкониятлардан фойдалангани ҳолда камол топди. Ўзининг интеллектуал оғли ва маҳоратини ошириш йўлида муттасил ўқиб, ўрганиб, изланиб, бутунги даражага етди. Миллий футбол ҳакамлари мажтабини ривожлантиришга улакан ҳисса қўшди.

Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиш жоиздир. Кейинги пайтларда корфимизда футболни янада ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш футболчиларни тарбиялаб етиштириш борасида давлатимиз раҳбарининг бир қанча фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга изчи татбиқ этилмоқда. Абабга, ёшларга эътибор — келажакка эътибор, деганларидек, тез орада салмоқли натижалар кўзга ташлана бошлади. Жумладан, 2003 йилда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Афро-Осиё ўйинлари роляси бўлиб ва Бирлашган Араб Амирикларида ўтказилган 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионати финал босқичида қатнашиш ҳужжатини кўлга киритди.

2008 йилда Саудия Арабистонида ўтказилган 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида юртдошларимиз ажойиб ўйин кўрсатишиб, кумуш медаллар соҳиби бўлишди ва 2009 йилда Мисрда ўтказилган жаҳон чемпионати йўлланмаларига эва бўлишди.

2010 йилда эса 16 ёшгача бўлган ўсмирларимиз юқоридаги натижани такрорлаган ҳолда Осиё чемпионатида фахрли 2-ўринни кўлга киритишди. Бу уларга келаси йили Мексикада ташкил этиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш имкониятини берди.

2011 йилда Мексикада ўтказилган 17 ёшгача футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Осиё чемпионатида муносиб иштирок этган ўсмирларимиз илк бор чорак финалга чиқиб, жаҳоннинг энг кучли саккиз жамоаси қаторидан ўрин олишди.

Нижоят, ўзбек футболининг юлдузли оналари ҳам еттиб келди — 2012 йил октябр ойида Эронда ўтказилган 16 ёшгача ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ёш чарм тўп усталаримиз қитъада энг кучли эканликларини намойиш этиб, ролий сифатида бош соврининг соҳиблари бўлишди.

2013 йилда мамлакатимиз ёш футболчиларининг жаҳон майдонларидаги муваффақиятини иштироқлари давом этди. Жумладан, Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлиги остида 20 ёшгача бўлган чарм тўп усталаримиз 21 июль – 23 июль кунлари Туркияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ажойиб натижаларни кўрсатиб мухлису мутахассисларни лол қолдиришди. Чунончи, маҳоратли ёшларимиз Хорватия билан 1:1 натижа кўрсатиб, жуда кучли Уругвай термасини 4:0, Греция футболчиларини эса 3:1 ҳисобида енгган ҳолда чорак финалга йўланма олдилар. Ушбу босқичда франциялик тенглошларига ютқазиб қўйган юртдошларимиз иккинчи бор курали заминнинг энг кучли саккиз жамоаси қаторидан ўрин олишди. Терма жамоамиз ҳужумчиси Игорь Сергеев эса Туркияда 7 та тўп киритиб, энг сермаҳсул тўпурарлар сафини бошқарди.

2012 йилда Осиё чемпиони бўлган Диншод Нуралиев бош мураббийлик қилаётган 17 ёшгача бўлган футболчиларимиз ҳам Бирлашган Араб Амирикларида 2013 йил 17 октябр – 8 ноябрь кунлари бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этишди. Ёшни улар нимчорак финалга чиқиш учун кечган дастлабки икки ўйинда яхши натижа кўрсатиб, мураккаб беллашувда Хорватия терма жамоасини 2:1

ҳисобида доғда қолдиришга муваффақ бўлишди. Фақат кучли саккизликка йўланма берадиган сўнги баҳсда Гондурас терма жамоасига ўйин бой берилди.

Энг кувонарлиси шундаки, бу ёшлар ва ўсмирлар фақатгина етакчи клублар футбол академияларининг тарбияланувчилари эмас. Улар турли вилоятлар, туманларда футбол сир-асрорларини урганишган. Энг муҳими, улар бир тану бир жон бўлиб, Ваганимиз ша-рафини муносиб ҳимоя қилишди. Ушбу ёшлар ўзбекистон футболининг келажатидир.

Биз юқорида фақат келажатимиз давомчилари бўлмиш ёш футболчиларимиз эришган улкан муваффақиятлар хусусида тўхталиб ўтдик, холос. Энг муҳими, Эрондаги чемпионатдан сўнг футболчиларимиз роиблик руҳиятини ўзларида хис этишди ва ўйлай-мизки, бундай юксак натижаларни кагтадар футбол-лида ҳам кўра бошлаймиз.

Биз илгарилари Николай Латипев, Павел Казаков, Валентин Липатов, Товфиқ Баҳромов, Кармо Круаши-вили каби Россия ва кавказлик ҳакамларга ҳавас билан боқардик. Биздан ҳам мана шундай халқаро тои-фадаги машхур ҳакамлар етишиб чиқармикин дея ўқинган пайтларимиз ҳам бўлган.

Мустақимлик озуларимизга қанот бўлди. Равшан Эрматов биринчи қалдиригуч сифатида миаллий ҳакамлар мактаби шон-шўҳратини кўррай замин бўйлаб тарага бошлади. Ундан ибрат олган ҳолда бутунги кунга кеиб юргимиздан жаҳон майдонлари-да энг мастулятлиг учрашувларни бошқараётган ис-тебодли ҳакамнинг кўлаб издошлари етишиб чиқ-ди. Валентин Коваленко, Владислав Цейтлин, Олим Толибжонов каби ФИФА реферилари, Абдуҳамиди-ло Расулов, Рафаэл Илъясов, Андрей Вукатин, Жа-хонгир Саидов, Хусниддин Шодмонов, Маъмур Са-идқосимов, Руслан Серазилдинов, Андрей Цапенко

ва Темур Абдулмаев сингари ассистентлар ҳам қатъ-ият ва маҳорат билан Равшан Эрматов очган шонли йўлдан дадил олимламоқдалар. Ўқин келажакда уларнинг сафи янада кенгайиши учун барча имко-ниятлар етарли.

Ана шунда бутун жаҳон ақли, футбол ишқибозлари ўзбек ҳакамлик мактабининг салоҳиятига яна бир бор тан берадилар.

## МУҲИМАТЛИК

Шундай ҳақамдаримиз билан фахрданамиз.

Мираброр Усмонов ..... 4

## I БЎЛИМ. РАВШАН ЭРМАТОВ ЮЛДУЗИ ЖАҲОН УЗРА

ПОРЛАГАН КҮН .....	7
Ойдин орзулар қанотида .....	10
Болаликда берилган кўнгила .....	12
Муштақимликнинг илҳомбахш имкониятлари .....	16
Ҳақамликдаги дастлабки қадамлар .....	23
Онаёй апага очилган йўл .....	26
Янги имкониятлар сари .....	28
Жаҳон чемпионатида дастлабки қадам * .....	34
Санъат даражасидаги спорт .....	39
XIX жаҳон чемпионатининг сўнги синови .....	44

## II БЎЛИМ. ЭРМАТОВНИ ДУНЁГА ТАНИТГАН

ЧЕМПИОНАТ .....	47
Назария ва амалиёт – ҳақиқат этезак .....	49
Дастлабки ўйин, яққ олқишлар .....	54
Кўз ўнгимизда “Жилованманган Африка” .....	58
Иккинчи муътадил бўлса-да, бахслар қизғинашиб борарди ..	60
Ярим финал – ҳақиқий синов .....	66
Ҳаққ ишончинини оқлаш ҳамма нарсадан устун .....	69
Чемпионатда ҳақамларнинг баҳоси .....	71
Дуо билан улавлар инсон .....	74
Хайрай ишнинг қаноти бўлади .....	81
Ҳақамларнинг рейтинг жадваллари .....	85
Равшан Эрматов 2011 йилнинг энг яқши ҳақами .....	86
Равшан Эрматов – йил ҳақами .....	87
Осиёнинг энг кучли ҳақами .....	88
Йилнинг энг кучли ҳақами училишида .....	90
Меърж — IFFHS таснифи бўйича ўн йилликнинг энг яқши	
ҳақами .....	91
Осиёнинг сўнги 25 йилдаги энг яқши ҳақами .....	91
Жаҳоннинг сўнги 25 йил ичилиши энг кучли уч ҳақами .....	92
Машҳур футбол мутахассислари ва ҳақамлар	
Равшан Эрматов ҳақида .....	95

## III БЎЛИМ. СОҒНОМ АВАОД — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ ... 98

Омлавийликдан — маҳорат сари. Асқар Толибжонов. .... 98  
 Ҳақамлик олимши сари дағда қадам. Ахбор Имоммўжаев . 102

Бундай бахт ҳар кимга насиб этавермайди.

Нош Лутифуллич .....

Ҳақамлар саяниси ошмоқда. Анатолий Коваленко .....

Орзиқиб кутилган дамаар келди. Вобур Ҳайдаров .....

Футболга меҳри туфайли майдонни тарқ этмади.

Алишер Файзиев .....

Киройи ҳақам шундай бўлса... Санжар Ризаев .....

Хулғат билан оламни забт этган ҳақам.

Абдуманнон Тожилов .....

Ёш ҳақамларга ўрнат. Марбуфжон Обидов .....

Санъат билан спорт — этезак. Сардор Раҳимжон .....

Ота-онасиға раҳмат келтирган фарзанд.

Ҳоқимжон Абдураҳимов .....

IV БЎЛИМ. РАВШАН ЭРМАТОВГА АТЛАН ШЕРЛАР ... 132

Ифтихор. Шукр Давид .....

ФИФА рефериси Равшан Эрматовга. Рустам Мусурмон ..

Равшан Эрматовга бағишлов. Ҳамиджон Тоҳиржонов .....

Фурр билан дунёга боқ. Раҳимилли Аширов .....

У Ваган номидан тушар майдонга. Зикрилла Невмат .....

Юртнинг бойбона сента бергай куч.

Нурмуҳаммад Исроилов .....

V БЎЛИМ. ЗАМОНАВИЙ ФУТБОЛ МАНА ШУНДАЙ ЮЗАГА

КЕЛГАН ВА РИВОЖЛАНГАН .....

Жаҳон чемпионатлари — бетакрор футбол байрами .....

Жаҳон чемпионатларининг рекордлари .....

VI БЎЛИМ. ФУТБОЛИМИЗНИНГ ПОЙЛЕВОРИ

МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА .....

Болалар футболга эътибор .....

Олимпиада – мусобақалар гулгожи .....

\*Олд Траффорддаги тантана .....

Она заминга муҳаббат улкан ютуқларга етказайди .....

VII БЎЛИМ. ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ТАРИХИ .....

Ўзбекистон чемпионатларининг барча голиб

ва совардорлари .....

Ўзбекистон чемпионлари .....

Ўзбекистон чемпионатларининг энг

сермаҳсул ўйинчилари .....

SЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА .....

сержмаҳсул ўйинчилари .....

сўнги сўз ўрнида .....

Бадий-публицистик нашр

**РАВШАН ЭРМАТОВ – ЭНГ КУЧАЛИ  
ФИФА РЕФЕРИСИ**

Мухаррир

Феруза КУВОНОВА

Бадиий муҳаррир

Хусан МЕҲМОНОВ

Компьютерда саҳифаловчи

Феруза БОТИРОВА

Техник муҳаррир

Сурайё АХМЕДОВА

Босишга 26.03.2014 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 7,875.+вк. 0,125.

Шаргла босма тобоғи 13,23.+ вк. 0,21.

Гарнитурга «Бооктап Сут+Узв», Офсет қозони.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 5.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.  
Лицензия рақами: АЛ № 198, 2011 йил 28.08 да берилган.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Катгортоа кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 278-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43, факс – 273-00-14;

е-mail: [uap@astavloidi@mail.tj](mailto:uap@astavloidi@mail.tj)